

ЎЗБЕКИСТОН-ПОКИСТОН: Жанубий Осиё ва жаҳон миқёсидағи ишончли ҳамкорлик

Ўзбекистон ва Покистонни умумий дин, мустаҳкам тарихий ва маданий муштаракликка асосланган самимий ва ишончли муносабатлар боғлаб турибди. Ҳалқларимиз манфаатлари йўлида ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб, ўзаро ишонч ва ҳамфирликка асосланган биродарлик алоқаларига айланган. Буни маънавий дунёси яқин биродар эллар орасидаги азалий алоқалар, десак ҳам муболага бўлмайди. Айниқса, дипломатик муносабатлар ўрнатилган 33 йил мобайнида сиёсий мулоқот ва ҳамкорликда кўплаб истиқболли соҳаларда катта муваффақиятларга эришилди.

Покистоннинг минтақавий ва халқаро аҳамиятга масалалар, гуманитар, фан, таълим, юқори технологиялар ва ёшларга доир сиёсат соҳаларидағи ташабbusлари ва ислоҳотлари мамлакатимизнинг Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасидаги мақсадларига ҳар жиҳатдан ҳамоҳангдир.

Маълумки, Покистон ўзининг “**Марказий Осиёга нигоҳ**” сиёсатига мувофиқ, Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларини доимий мустаҳкамлаб боришни мақсад қилган. Айниқса, Ўзбекистон билан олий даражадаги мулоқотлари доимий тус олган. Покистон бош вазири **Шаҳбоз Шариф** бошчилигидаги делегациянинг **25-26 февраль кунлари** кутилаётган Ўзбекистонга ташрифи икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик анъаналарининг давоми сифатида минтақавий ўзаро боғлиқлиқдаги саъиҳаракатларни янги, янада юқори босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Шаҳбоз Шариф 2022 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга ташриф буюриб, Самарқандда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида иштирок этганди. Бу галги нуфузли ташрифда Покистон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Исҳоқ Дар, шунингдек, бир қатор вазирлар ва бизнес вакиллари ҳамроҳлик қилаётгани икки мамлакат муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарадиган муҳим масалалар муҳокама қилиниши ва кенг қамровли битимлар имзоланишидан даракдир.

Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф Ўзбекистонга Караби портидан транзит савдоси учун фойдаланишни таклиф қилиши кутилмоқда. Марказий Осиё мамлакатлари 1991 йил мустақилликка эришганидан бери Исломобод минтақадаги манфаатларини изчил тарғиб қилиб, кредитлар, логистика ва ҳарбий ҳамкорлик орқали “бешлик” мамлакатлари билан ҳамкорликка интилиб келади. Покистон Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро савдо ҳажмини мунтазам ошириб бормоқда, уларнинг ҳар бири билан Кўшма иқтисодий комиссиялар тузилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилилган. 2021 йилда имзоланган **стратегик шериклик декларацияси** алоқаларимиз тарихида янги даврни бошлаб берди. Кўхна тарихга эга халқлар дўстлиги тараққиётга эришиш

йўлидаги ислоҳотларда ҳамоҳангликка айланди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Бобурийлар, Муҳаммад Иқбол, Мирзо Ғолиб сингари улуғ мутафаккир ва шоирларнинг ўлмас мероси, маърифий қаравашлари халқларимизни боғлаб турадиган маънавий кўпrik бўлса, тиббий таълим соҳасидаги ҳамкорлик икки мамалкет ҳалқлари саломатлигига хизмат қилмоқда. Стратегик шериклик муносабатлари эса ҳар томонлама ривожланиб борар экан, транзит ва савдо, ишбилармон доиралар вакиллари ва сайёҳлик гуруҳлари учун виза тартиблари, ҳарбий таълим ҳамкорлиги, маданий алмашинув доирасида қамрови тобора кенгаймоқда. **Муҳими, давлатларимиз ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар орасида ҳам бир-бирларининг мавқеларини фаол қўллаб-қувватламоқда.**

Ўзаро савдо ва иқтисодий алоқаларнинг муштараклиги

Пойтахтимизда 2024 йил 4 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси ўртасидаги Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг 9-ийғилиши ҳамда Ўзбекистон-Покистон бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқалар кейинги йилларда янги босқичга кўтарилди. 2019 йилдаги 122 миллион АҚШ долларилик савдо айланмаси 2024 йилга келиб 300 миллион АҚШ долларига етди. Икки давлат раҳбарлари томонидан бу кўрсаткични 1 миллиард долларга етказиш мақсад қилингани шерикликнинг аҳамиятини янада оширади. Савдо муносабатларини янада ривожлантириш учун онлайн платформалар яратиш режалаштирилган. Шу тариқа экспортчи ва импортчилар мулоқоти енгиллашиб, янги савдо йўналишлари очилади.

Сўнгги беш йилда қўшма корхоналар сони ҳам бир неча бараварга ортиб, 200 тадан ошди. Статистика агентлигининг маълумотларига кўра, 2024 йилда Ўзбекистон Покистонга 124,7 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилган. Бу маҳсулотларнинг умумий қиймати 192,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Савдо алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида **“UzbekPak International Trading Centre”** савдо уйи ташкил этилди. Ушбу марказ юртимиз саноати ютуқлари, жумладан, энг сара тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари намойиш этиладиган майдончага айланмоқда. “Made in Pakistan” ва “Made in Uzbekistan” кўргазмалари ҳам савдо ва маданий ҳамкорлик кўламини кенгайтирмоқда. Инвестиция ҳамкорлиги доирасида 2025-2026 йиллар учун **“Саноат кооперацияси дастури”** ишлаб чиқилди ва қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, ахборот технологиялари, кимё саноати, текстиль ва машинасозлик каби соҳаларда кенг кўламли қўшма лойиҳалар амалга ошириладиган бўлди. Ўзбекистон-Покистон ишбилармонлар кенгаши фаолият кўрсатаётгани ҳам қўшма лойиҳалар истиқболида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, транспорт алоқаларини ривожлантириш ва мамлакатлар ўртасида товарлар ҳаракатини соддалаштириш бўйича бир қатор чоратадбирларни амалга оширишга келишиб олинди. Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ва Покистон Ислом Республикаси

савдо вазирлиги ўртасида электрон тижорат соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича Ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президентининг 2022 йил март ойида Покистонга амалга оширган тарихий ташрифи давомида илк бор Имтиёзли савдо битими имзоланди. Транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни алоҳида назоратга олишга келишиб олинди. Асосий мақсад – маҳсулотларни давлатларимиз ўртасида тўсиқсиз ва энг қисқа муддатларда етказиб бериш тизимини яратишдан иборат. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш қанчалик муҳим бўлса, маҳсулотни етказиб бериш ҳам шунчалик аҳамиятли. Айниқса, ҳозир дунёда логистика муаммолари авжига чиқкан вазиятда бу ўта долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Покистон транспорт-логистика йўналишидаги ҳамкорликни янги босқичга қўтармоқда. 2024 йил ноябрь ойида Тошкент – Лаҳор йўналиши бўйича тўғридан-тўғри авиақатнов йўлга қўйилди. Бу рейс турли соҳалардаги алоқаларни кучайтиришга хизмат қиляпти. Тошкентдан Покистоннинг иккинчи йирик шаҳри – Карачига ҳаво орқали йўл очиш юзасидан музокара давом этмоқда. TCS компанияси билан бирга Тошкент ва Караби ўртасида самолётда юк ташишни ташкил этиш режалаштирилган. Бу лойиҳа таркиби тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини қисқа муддатда етказиб бериш имконини яратади.

Термиз шаҳридаги “Termez Cargo Center” логистика хаби имкониятини кенгайтириш яна бир муҳим лойиҳа ҳисобланади. Афғонистон ва Покистон орқали товар етказиб беришда муҳим аҳамиятга эга бу марказ ҳудудида янги омборхоналар қуриш, хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш кўзда тутилган. “National Logistics Corporation” компанияси билан ушбу базада юкни сақлаш ва қайта тақсимлаш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича келишув имзоланганди. Яқин келажакда товарларни Марказий Осиё ва Европа мамлакатларига транзит қилиш жараёни анча соддалашади. Бундай эътибор ва шароитлар ўзаро алоқаларни фаоллаштириб, яқин йилларда товар айирбошлиш ҳажмини 500 миллион долларга, келгуси эса 1 миллиард долларга етказиш учун мустаҳкам замин яратади.

Ўзбекистон Покистон билан биргаликда нафақат икки мамлакат, балки стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик кўпригини бунёд этяпти. Мамлакатларимизда амалга оширилаётган “Янги Ўзбекистон” ва “Ная Покистон” дастурларининг муштарак экани ҳам икки мамлакатнинг қараш ва интилишлари бир-бирига уйғунлигини тасдиқламоқда.

Диллар ва йўллар бирлашганда

Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлашга қаратилган, Покистон ҳудуди орқали халқаро денгиз портларига чиқувчи, “аср лойиҳаси” деб аталаётган “Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар” стратегик темир йўлини қуриш ишларини яқин муддатларда бошлиш ва уни охирига етказилиши нафақат мамлакатларимиз, балки кенг минтақаларимиз халқларининг умумий равнақига ҳисса қўшади. Яъни,

Покистон Марказий Осиё мамлакатларига Гвадар ва Караби портлари орқали жаҳон океанига, демак, жаҳон бозорларига қисқа ва арzon чиқишини таклиф этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йилда Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида транзит юк ташишни кенгайтириши ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири, деб билишини маълум қилган эди. Натижада минтақавий савдо, иқтисодий ҳамкорлик ривожланади. Темир йўлнинг узунлиги тахминан 760 километр бўлиб, Термиз – Мозори – Шариф – Кобул – Пешовар бўйлаб ўтади. Лойиҳанинг умумий қиймати 5 миллиард долларга баҳоланмоқда. Ҳозир техник-иқтисодий асослар ишлаб чиқилаётган лойиҳанинг қурилиш ишлари камида беш йил давом этади. Трансафғон темир йўли ишга тушгач, Покистондан Ўзбекистонга юк ташиш муддати 35 кундан 3-5 кунгача қисқаради. Шунингдек, битта стандарт контейнерни ташиш нархи қарийб уч баробар арzonлашиши кутиляпти.

Бундан ташқари, яна бир транспорт йўлаги лойиҳаси устида иш олиб бориляпти. Бу Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Афғонистон ва Покистон орқали ўтувчи мультимодал транспорт йўлагини яратиш бўйича келишув бўлиб, у 2024 йилда ратификация қилинди. Бу лойиҳа орқали юк ташиш жараёни осонлашади, вақти қисқаради.

2025 йилга қадар Ўзбекистон транспорт ва логистика тизимини ривожлантириш концепцияси доирасида қўйидаги йўналишлар бўйича иш олиб боришни режалаштирумокда:

- Туркманистан – Эрон – Туркия – Европа Иттифоқи;**
- Туркманистан – Озарбайжон – Грузия – Европа;**
- Ўзбекистон – Афғонистон – Покистон;**
- Ўзбекистон (Андижон) – Қирғизистон (Ўш, Иркештот) – Хитой (Қашқар). Бу йўналишлар халқаро савдо йўлларини диверсификация қилиш ва транспорт-логистика салоҳиятини оширишга ёрдам беради.**

Исломобод ва Тошкент ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳада, биринчи навбатда, кадрлар тайёрлаш борасида ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон ва Покистон ўртасида ўзаро ҳарбий тажриба алмашиш бўйича шартнома имзолаган. Жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон ва Покистон ўртасида ҳарбий машғулотлар ўтказилиши режалаштирилган. Давлатларимиз разведка маълумотларини алмашиш ва терроризмга қарши биргаликда курашиш бўйича ҳам ҳамкорлик қилаётгани эътиборга молик.

Ҳозирда Покистон Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда ШХТ доирасида терроризм ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда иштирок этмоқда. Дунёда геосиёсий кескинлик кучайган, терроризм бош кўтараётган бир пайтда бу борадаги алоқалардан ҳар икки томон ҳам манфаатдор. Шу маънода, Афғонистонда доимий тинчлик ва барқарорлик бўлиши муҳим. Гап шундаки, узоқ йиллар Афғонистон омили Покистоннинг Марказий Осиёдаги манфаатлари ва улар билан қалин шериклик муносабатлари йўлидаги асосий тўсиқ бўлиб келган. Афғонистондаги бекарорлик Марказий Осиёдан Покистоннинг Гвадар ва Караби портларига борадиган савдо йўлининг ривожланишига ҳам салбий

таъсир кўрсатмоқда. “Жануб сари йўл” Афғонистон орқали Покистон ва Хиндистон портларига чиқиши, қолаверса, жанубимизда жойлашган қарийб икки миллард нуфузга эга бозорга кириш имконияти дегани.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги кўп векторли форматга ўтиши иқтисодиётимизнинг логистик жиҳатдан қарамлигига барҳам беради. Бугунгача биз асосан жаҳон бозорига фақат Қозоғистон ва Россия орқали чиқиши имконига эга эдик. Демак, ушбу йўналишнинг истиқболлари минтақа геоиқтисодий иқлимида юзага келтириши мумкин бўлган ижобий натижалари.

Очиғини айтганда, қатор йиллар давомида Марказий Осиё мамлакатларида Исломободдан маълум даражада бегоналашиш, уни бегона элемент сифатида қабул қилиш қарашлари мавжуд эди. Марказий Осиё давлатлари расмийлари Афғонистондаги ИШИД ва бошқа қуролли гурухларнинг фаоллигидан хавотирда экани вазиятни янада мураккаблаштираётганди. Аммо давлатимиз раҳбарининг очиқликка ва прагматизмга асосланган ташқи сиёсати туфайли ҳаммаси ўзгарди. Ҳаёт бир жойда турмайди. Афғонистонда бирмунча осойишталик ва тинчлик қарор топди. Марказий Осиё давлатлари ва Покистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш вақт талабига айланди. Баъзи муваффақиятли иқтисодий лойиҳалар аллақачон амалга оширилмоқда. Логистика, бизнес, таълим соҳаларидағи ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларининг ҳам, Покистоннинг ҳам Хитой билан “Бир макон, бир йўл” ташабbusлари доирасида яқиндан ҳамкорлик қилаётгани муҳим рол ўйнамоқда.

Ижтимоий соҳалар ривожи йўлида амалга оширилаётган ўзаро шериклик алоқалари

Маданий-гуманитар соҳа шерикликнинг энг муҳим ва истиқболли йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинган. Қадимий Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон ва Покистон халқларини азалдан умумий тарих, ўхшаш тил ва бой маънавий мерос чамбарчас боғлаб туради. Икки мамлакат фан, санъат, кино, спорт соҳаларидағи алоқаларни кенгайтириш, ёшларга оид дастурларни амалга ошириш тарафдори. Ўзбекистонда йил сайин урду тилини ўрганишга қизиқиши ортиб бораёттир. Покистонда ҳам Исломобод замонавий тиллар университети, Панҷоб ва Пешовар университетлари каби олий таълим муассасалари негизида ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистон тарихини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ёдингизда бўлса, Ўзбекистон раҳбарининг уч йил олдин Исломбодга ташрифи давомида салмоқли ҳужжатлар тўплами, жумладан, Стратегик шерикликни ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисида қўшма декларация имзонланган эди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича саъй-ҳаракатлар белгилаб олинган. Маънавий илдизлардан куч ва илҳом олаётган алоқаларимиз келгусида ҳам

халқларимизнинг орзу-интилишлариға, икки давлат ўртасидаги улкан режаларига мос равища янги марраларга кўтарилади.

2025 йил 3 январь куни Караби шаҳрида “UzbekPak International Trading Centre” савдо уйи ва “UzbekPak Cultural Centre” маданий марказининг очилиши минтақавий боғлиқликни қайта тиклаш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва инвесторлар учун зарур маълумотлар тақдим этишга хизмат қилди.

Туризм мамлакатларимиз салоҳиятидан фойдаланишда муҳим ўрин тутади. Туристик оқимни рағбатлантириш мақсадида икки давлат ўртасида виза тартиби енгиллаштирилди. Ўзаро таълим дастурлари доирасида Ўзбекистон ва Покистон университетлари ўртасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан покистонликлар учун виза расмийлаштириш тартиби соддалаштирилгани, тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилаётгани қувонарли ҳодиса. Бу алоқаларимизга янгича мазмун бахш этади. Ишбилармонлар учун вақт энг қимматбаҳо неъмат, қайта тикланмас ресурс ҳисобланади. Очилаётган янги ҳаво йўллари икки мамлакат тадбиркорларининг қимматли вақтини тежаб, алоқаларни жадаллаштиради ва янги қўшма лойиҳаларга замин яратади.

Яна бир эътиборли жиҳат. Покистон Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишини қўллаб-қувватлайди. Бу борада 2024 йил 6 декабрь куни Ўзбекистон ва Покистон ўртасида мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишини қўллаб-қувватлаш тўғрисида меморандум имзоланди. Ушбу хужжат ЖСТга қўшилиш жараёнида Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар, халқаро савдо тизимиға интеграция бўйича мамлакатнинг жиддий саъй-ҳаракатлари тан олинишини тасдиқлайди. Меморандумга Ўзбекистон Президентининг ЖСТ масалалари бўйича маҳсус вакили Азизбек Ўрунов ва Покистоннинг ЖСТдаги доимий вакили Али Сарфоз Ҳусайн имзо чекди.

Демакки, Покистон бош вазирининг Ўзбекистонга амалга оширадиган ташрифи, унда имзоланадиган келишувлар, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги стратегик шерикликнинг мустаҳкамланиши икки минтақа барқарорлиги ва тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ташриф икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада чукурлаштириш, бизнес алоқаларини кенгайтириш, барча соҳаларда самарали шериклик учун мавжуд имкониятлардан янада тўлиқ фойдаланишга кенг йўл очади.

**Халқаро Нордик Университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Шерзод Мустафакулов**